

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВА АМИРА ТЕМУРА

HARMONY OF NATIONAL AND RELIGIOUS VALUES IN THE GOVERNMENT OF AMIR TEMUR

Tulkin ALIMARDONOV,
TASHKENT STATE TECHNICAL UNIVERSITY
NAMED AFTER ISLAM KARIMOV
Doctor of Political Science
University street №2, Tashkent city

DOI: 10.47980/IAU/2021/2/1

Аннотация: Мазкур мақолада Амир Темурнинг давлат бошқаруви ҳақида сўз юритилиб, бошқарувда халқнинг менталитетида чуқур илдиз отган маънавий мерос, диний қадриятлар, урф-одат ва анъаналарга суянишни юксалиш омили сифатида қараши ҳақида фикр юритилади. Одамлар табиатан фақат адолат, тенглик, имон, эътиқод ва бошқа қадриятларда ҳамжиҳатликка келади. Давлат бошқарувида қадриятларнинг ижтимоий-сиёсий мақомини белгилаш билан аслида ҳокимиятнинг халқчил фаолияти таъминланиши, қадриятлар дастлаб табиат қонуниятлари ва илоҳий-диний негизлар асосида шаклланиши ва бундай диний қадриятлар турли таълимотларда ҳар хил келган бўлсада, бир моҳиятга – яқка ҳудудликни тан олиш, ҳукмдор унинг ердаги вакили эканлигига асосланиши таъкидланган. Шунинг учун қадимда аجدодларимиз қадриятлар асосида тегишли сиёсий тизимларни яратгани, ҳокимиятнинг илоҳий манбасига алоҳида эътибор қаратгани адолат, ҳақиқат ва эзгу ишларга интилиш сиёсий ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлганлиги алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, инсоният цивилизациясининг ибтидоси ва унинг давлатчилик шакли жараёни Зардуштийликдан Исламгача бўлган маданий масофада ўз мавжудликларини сақлаб қолишга эришилаётгани, Амир Темурнинг давлат қурилиши борасидаги улкан меросларидан бири бу сиёсий ҳокимиятнинг фалсафий конструкциясини ярата олганлиги билан белгиланиши илмий далиллар асосида ёритилган. Жамият, давлат, дин нисбати, ҳар бирининг роли ва ўрни тегишли давр ва маданиятида ушбу муассасалар асосий масалалар сифатида ҳар доим долзарб бўлганлиги, бу бирлик цивилизация тузилишининг ташқи шакллари ва ҳар қандай давлатнинг ички архитектурасини белгилаганлиги асосланган. Шу сабабли дин билан ҳокимиятнинг ўзаро

таъсир масалаларини ўрганиш давлат, куч ва имон ўзаро манфаатли шакллари топишга имкон беради. Тарихий тажриба кўрсатиб турибдики, давлатнинг буюклиги ҳокимият ва жамият мафкура орқали ҳуқуқий (адолатли) муҳитни вужудга келтиради. Амир Темур ўз сиёсатида Яратганнинг иродаси билан буюклик тимсолини қўлга киритиши ва бундай қудратнинг абадийлигига эришиши тарихий манбалар асосида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Давлат, давлат бошқаруви, сиёсат, сиёсат фалсафаси, ҳукмдор, адолат, тенглик, дин, қадрият, эътиқод, диний қадриятлар, яқкаҳудлик, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, менталитет, маънавият, маърифат, маданият.

Аннотация: В статье о системе управления государством Амира Темура излагаются взгляды о главенстве принципа опоры на проникшие глубоко в менталитет народа духовное наследие, религиозные ценности, обряды, обычаи и традиции. Издревле известно, что только благодаря справедливости, равенству, вере и другим подобным им ценностям люди приходят к согласию. В работе утверждается, что в правлении государством, определяя социально-политический статус ценностей, власти необходимо обеспечивать деятельность по социальной поддержке, формировать ценности на основе изначальных законов природы. В религиозных ценностях, какие бы не возникли вероучения, необходимо опираться на принцип единобожия и признание правителя как его представителя на земле. Исходя из этого, особо подчеркивается, что издавна наши предки создавали соответствующие политические системы, основанные на таких ценностях, как справедливость, истина и стремление к благим делам, которые были неотъемлемой составной частью политической власти, где особое внимание уделяется правительству богоданного происхождения.

На основе научных доказательств освещается история происхождения человеческой цивилизации и процессы форм её государственности, сохранившиеся в культурном промежутке от зороастризма до ислама, а также создание философской конструкции политической власти в государстве Амира Темура. В статье обосновывается непреходящая актуальность основных проблем институтов общества, государства, принадлежности к вероисповеданию, роли и места каждого в соответствующем времени и культуре, что по мнению автора и является определяющим для внешних форм структуры цивилизации и для внутренней структуры любого государства. В связи с этим, изучение вопросов взаимовлияния религии и власти даёт возможность выявить соотношение интересов государства и вероубеждений его граждан. Как показывает исторический опыт, величие государства определяет его идеология, которая создаёт правовую (справедливую) среду. В статье, на основе исторических источников, подробно освещается, как Амир Темур собственной политикой и по воле Создателя стал символом величия и тем самым вошёл в историю.

Ключевые слова: государство, государственное управление, политика, политическая философия,

власть, справедливость, равенство, религия, ценности, вероубеждение, религиозные ценности, единобожие, национальные ценности, общечеловеческие ценности, менталитет, духовность, просвещение, культура.

Resume: The article examines the state administration of Amir Temur and his belief in the spiritual heritage, religious values, customs and traditions is considered as a factor in the development of the mentality of the people. People are naturally united only in justice, equality, faith and other values. Determining the socio-political status of values in public administration, the public activity of the state is actually ensured. Therefore, it is emphasized that in ancient times our ancestors created appropriate political systems based on values, paid special attention to the divine source of power; the pursuit of justice, truth and good deeds was an integral part of political power.

The beginning of human civilization and the process of statehood have been preserved at a cultural distance from Zoroastrianism to Islam, and one of the greatest legacies of Amir Temur in state building is the creation of a philosophical structure of political power. The role and place of each in the relationship of society, state, religion is based on the fact that these institutions have always been relevant as key issues in the corresponding period and culture, defining the external forms of this single civilizational structure and internal architecture of any state.

Therefore, the study of issues of interaction between power and religion allows you to find mutually beneficial forms of the state. Historical experience shows that the greatness of the state creates a legal (fair) environment only through the values of society. Historical examples of how Amir Temur in his policy, by the will of the Creator, achieved the image of greatness and reached the eternity of such power are considered.

Key words: state, public administration, politics, political philosophy, ruler, justice, morality, equality, religion, values, faith, religious values, monotheism, theocracy, national values, universal values, mentality, spirituality, education, culture.

КИРИШ

Турон дунёнинг энг қадимий ҳудуди сифатида дастлабки диний қарашлар вужудга келган маконлардан ҳисобланади. Исломгача бўлган даврда ўндан ортиқ турли динлар (буддавийлик, зардуштийлик, ҳиндийлик, насронийлик, яҳудийлик, монийлик, шаманлар ва яна бошқа ялпи уюшмаган эътиқод оқимлари) мавжуд бўлганлиги қайд этилади. Турли динлар чорраҳасида вужудга келган маданиятлар уйғунлиги бу ҳудудда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланишида ўзига хос ижтимоий-маданий маконни яратишга ҳам хизмат қилган. Бу ер ислом ва маҳаллий халқнинг урф-одатларининг қўшилиб кетиши натижасида ислом маърифатининг ҳам бойитилишида катта хизмат кўрсатган.

Муайян маконда вужудга келган қадриятлар синтези ўз моҳиятига кўра, шу ҳудуд сиёсий

табиатини ҳам белгилайди, шакллантиришга таъсир кўрсатади, жамиятнинг маънавий-мафкуравий устунларини вужудга келтиради. Ижтимоий ҳаётни ташкил этувчи, йўналтирувчи, жипслаштирувчи, тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи руҳий куч сифатида намоён бўлади. Қадриятлар сиёсий фаолият таъсири асосида ҳокимиятнинг реал имкониятларини рўёбга чиқаришга, унинг ижтимоий мақомини белгилашга, турли ихтилоф ва зиддиятларнинг олдини олишга, айти пайтда халқнинг маънавий-руҳий салоҳиятини ўстиришга хизмат қилади. Айнан ана шу маданий мулоқотлар чорраҳасида Буюк Амир Темур туғилади.

Амир Темур давлат бошқарувида халқнинг менталитетида чуқур илдиз отган маънавий меросга, диний қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга суянишни юксалиш омили сифатида қарайди. Зотан, одамлар табиатан фақат адолат, тенглик, имон, эътиқод ва бошқа қадриятларда ҳамжиҳатликка келади. Давлатда қадриятларнинг ижтимоий-сиёсий мақомини белгилаш билан аслида ҳокимиятнинг халқчил фаолияти таъминланади. Тарихдан бизга маълумки, қадриятлар дастлаб табиат қонуниятлари ва илоҳий-диний негизлар асосида шаклланган. Бундай диний қадриятлар турли таълимотларда ҳар хил келган бўлсада, бир моҳиятга – яқка ҳудудликни тан олиш, ҳукмдор унинг ердаги вакили эканлигига асосланган. Шунинг учун қадимда аجدодларимиз қадриятлар асосида тегишли сиёсий тизимларни яратишган, ҳокимиятнинг илоҳий манбасига алоҳида эътибор қаратишган. Адолат, ҳақиқат ва эзгу ишларга интилиш сиёсий ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисми, деб билишган.

Улкан мерос ва қадриятлар билан туйинган Амир Темур диний қадриятлар замирида шаклланиб келган турли маданиятларнинг энг илғор тажрибаларига суянади. Мазкур қадриятлар силсиласида вужудга келган давлатчилик тарихини ўрганиш шундай ҳулосалар берадики, Соҳибқирон сиёсий фаолиятда миллий ва умуминсоний қадриятлардан оқилона фойдаланиш маҳоратини эгаллаган арбоб сифатида ихтилофларда қолган халқларни бирлаштиради. Бундай қадриятлар борлиқни англашнинг теологик, теософик, мефологик, космологик хусусиятларида намоён бўладикки, бу йўналишдаги илмий изланишлар ўз мавридини кўтиб турибди.

Мазкур фасл изланишларида империянинг қадимий илоҳий асослари, унинг давлат шакли сифатидаги қонуният асослари, ҳукмдорлар мақоми, унинг диний-маънавий талқинлари, фалсафий негизлари таҳлили ўртага ташланади. Инчунин, қадимги туркийлар зардуштийликдан кейин, лекин буддавийлик, христианлик ва исломни қабул қилишларидан олдин ўзларининг анча қадимийроқ

диниға эга бўлганлар. Бу – космик худо култига, Яратувчиға ишонч руҳида асосланган Тангриёрлик динидир. Буюк Даштда яшовчи барча халқлар учун характерли бўлган Тангри хақидаги дастлабки тасаввурлар мил.авв V - IV минг йилликларга бориб тақалади (Rahmanaliyev R., Imperiya tyurkov. Velekaya sivilizasiya, 2009). Яъни борлиқни илоҳий идрок этиш ҳокимият ва ҳукмронлик тўғрисидаги диний-фалсафий қарашларни шакллантиришга хизмат қилган.

Қадимги туркийларда тангри атамаси «осмон», оламнинг кўриниб турган қисми «худо» «маъбуд» «ҳукмдор» каби маъноларни англашида ифодаланади. (Drevnetyurskiy slovar) Улар борлиқни олий илоҳиёт - Тангри бошқариши, коинот олами уч қисмдан – Осмон, Ер, Ер ости дунёсидан иборат эканлиги тўғрисидаги қарашлардан ташкил топган. (Eliade) Аждодлар руҳидан, жасоратидан мадад сўраш анъанасига катта аҳамият қаратган. Туркийлар танани жисмонан озиклантиришдан ташқари қалбни ҳам озиклантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратишган. Руҳни тўлдирувчи манбалардан бири – бу аждодлар руҳи ҳисобланган. Яшаган, унга куч-қўвват ато этувчи жойда унинг руҳи мавжуд бўлиб, эзгу бўлса, авлодларни ўз ҳимоясида сақлаб туради, деб ҳисоблашган. Шарафли аждодлар номига ҳайкаллар ўрнатишган, уларни мадҳ этувчи сўзлар битилган. Ҳайкал атрофи одамлар ва руҳлар учрашадиган жой бўлиб, қурбонликлар қилиб, турли маросимлар амалга оширилган. Ҳозирги вақтда бундай ёдгорликлар Олтойдан то Дунайгача мавжуд бўлиб, бир қатор динлар юзага келгунгача бўлган даврларга ҳам тегишлидир (Adji, 2015).

Тангрига сиғинишда христианлик ва ислом динидаги каби гуноҳларнинг кечирилиши тушунчаси мавжуд бўлмаган, шунинг учун инсон мунофиқлик қилишдан қўрққан, зеро мунофиқлик унинг бойлигига, ўзи ва фарзандларининг соғлигига зиён етказишга, анъаналар ва маросимларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигига туркийлар чин дилдан ишонганлар. Чунки Ер инсонга фақат ташқи қобикни, жисмни ато қилади. Қадимги туркларда онг ва ирода, тақдир ва эрк, муваффақият ва бахт ҳаммаси йиғилиб «қут» деб аталади. Қутга эга бўлиш инсонни ердаги бошқа жониворлардан ажратиб туради. Туғилганда ҳар бир инсонга Тангри қут ато қилади ва вафот этганда уни қайтариб олади, инсоннинг қути кўкка, Тангри ҳузурига учиб кетади (Bisenbayev A., Mif drevnix tyurkov, 2017). Шу сабабли аждодлар руҳига сажда қилган қадимги турклар жаҳон динларидаги каби уларни худонинг бандалари эмас, “Осмон фарзандлари” деб атаганлар. Айнан шу ҳол туркийлар характеридаги мағрурлик, жасурлик, тенглик каби хислатларнинг

шаклланишига катта таъсир кўрсатган (Ergashev Sh., Qadimgi sivilizasiyalar, 2016).

Бундай қадимий анъана Чингизхон ёрлиқларида Осмонга итоат этиб, унинг ҳукми билан фармон чиқаришда келади. Яъни кимгадир даҳлдор бўлган номани кимнингдир номидан су ўзагида ифода қилинади. Амир Темурда ҳам шу олий кучга мурожаат қилиб, су ўзаги туркчада қут сўзи ибораси билан ўзгариб келади. Бундан ташқари ушбу ифода охири сёзюм ибораси билан ниҳояланадики, у туркчада сўз (им) маъносини беради. Мўғулчада юге манну иборасида келади. Мўғулларда “Осмоннинг кучи билан Император су (сўз – бу ўринда буйруқ маъносида)”, темурийларда “Амир Темур ҳимматлари билан бизнинг сўзимиз”, деб ўқиймиз. су воқеъликни юзага келтирувчи ирода ва қут сўзи “тақдир” деб таржима қилиниб, аслида туғилганда инъом этиладиган илоҳий мукофот тушунчасини беради. Яъни подшоҳнинг сўзи (ҳукми) тақдирдир тушунчаси демакдир. Худди шу каби Чингиз қонунлари (ясо ва тўра сўзи билан уйқашликда) асосида ҳукмдорлик қилиш ҳукуқи ётади (Jal-Pol Ru., Tamerlan, 2012). Исломгача бўлган даврда ташкил топган Марказий Осиё туркий давлатларида “қут” сўзи ҳукмдорнинг исмига киритилган. У сиёсий ҳокимият қудрати, юксак ҳукмдор сиймоси, давлатни идора қилиш ҳукуқи, бошқариш ваколати каби тушунчаларни берган. Унинг туркийдаги яна бир тушунчаси “қудратли руҳ, маънавий куч, омадли, жасоратли, бахтли-саодатли, омад” маъноларини беради (Sadri Maksudi Arsal., 2002).

Қадимги турклар инсон ўлганидан сўнг барча жазолардан халос бўлишига, унинг руҳи озодликка эришишига ишонишган. Инсоннинг нариги дунёда хотиржамлиги қариндошлари тарафидан марҳумни кўмиш маросимларини ва қурбонликни қандай бажо келтиришига боғлиқ, деб қаралган. Агар маросимлар ва қурбонлик анъаналарига мос амалга оширилган бўлса, марҳумнинг руҳи тинч ором топиб, қариндошларига ҳомийлик қилган, акс ҳолда душманга айланган. Шу сабабли аждодлар руҳига сажда қилган қадимги турклар жаҳон динларидаги каби ҳукмдорни «Осмон фарзандлари» (Яъни халқ бошига худо тақдир қилган, танлаган инсон) деб атаганлар. Айнан шу ҳол турклар характеридаги мағрурлик, жасурлик, тенглик каби фазилатларининг шаклланишига катта таъсир қурсатган (Ergashev. Sh., 2016).

УСЛУБЛАР

Қадимий Тангри таълимотида олий ҳокимиятнинг мифологик фалсафий талқинлари замонавий рус олими О.Зотов тадқиқотлари анча кенг ёритиб берилган. У ҳокимият шаклини ўтовда

яшовчи кўчманчи халқлар ҳаётининг рамзий образларига ҳам уйғун келишини таъкидлаб, давлатни улкан бир ўтовга қиёслайди. Унинг таъкиди-ча, ўтовнинг ўрта устун — бу адолат, арқонлар — қадриятлар, юқоридаги халқаси — ҳақиқат тимсоли бўлиб ҳисобланади. Адолат тахтаси мақсад ва моҳиятни, арқонлар тушунчаларни, халқа амалий ишлар уйғунлигини белгилайди. Масалан, ўтовни ўрнатиш тажрибасида, арқонлар ёрдамида халқнинг мустаҳкам боғланиши ўтовнинг ички суянчи асосларини мустаҳкамлайди. Халқа ўз навбатида мустаҳкам устун бошида туриши лозим. У адолат рамзи! Адолат халқнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари, қадимий тажрибалари йиғиндиси. Унга асосланган сиёсат барқарор ривожланади (Zotov O., Yevraziyskaya geopolitika Timura: retrospektivniy vzglyad, 2012). Кўриб турганимиздек, бир ўтовнинг қурилмасида давлат тизимининг қанчалик фалсафаси мужассам. Ана шундай мукамаллик ўтовни (давлатни) шамоллардан, изғирин совуқлардан ва бошқа турли офатлардан ҳимоялайди.

Олим ўз қарашларини давом эттириб, Амир Темурнинг Еврооёш бошбошдоқлигини тартибга солишга қаратилган фаолиятида коинот мукамал методология сифатида хизмат қилганлигига тухталади. Бу методология дейди, у, Темургача хитой ҳарбий қўмондони Сунь-цзы ва VI асрда яшаган мутафаккир Ли Гоунинг “Цзинцзи” (дунёни бошқармоқ халққа ёрдам) назарияси билан боғлайди. Муаллиф давлатчиликни ривожлантириш рамзига айланган хитой таълимоти Марказий Осиё маданияти билан мос келишини ва Туркистоннинг маърифатли уйғурлари бу борада воситачилик қилганлигини таъкидлайди (Zotov O., Narodi Yevraziya na putyax v Kitay: ekzamen u Sun-szi, 2012). Шу ўринда айтиш жоизки, О.Зотов хитой манбалари асосида тадқиқотлар олиб боргани учун осмон ўғли тушунчаси уларда шаклланган ғоя, деб ҳисоблайди.

“Осмон”, “Ер” фалсафаси билан боғлиқ тимсолларни “Темур тузуклари”да ҳам кузатиш мумкин. Қарангки, бу борада Соҳибқирон нима дейди: - Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туғлуқ Темурхоннинг қошига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим. Шу ҳол асносида пиримдан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: “Тўртинчи халифадан, унга Тангрининг қараму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон — камон, ер — камон ипи, ҳодисалар ўқ-ёй бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғувчи (эса) — буюк ва қудратли Худойи таоло бўлса, одамлар қаерга қочадилар?” Халифа жавоб қилиб: «Одамлар Тангрининг қошига қочсунлар», — дебди. Шунга

ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочғил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олғил” (Temur Tuzuklari, 2015). Яъни “Осмон камон, ер унинг ипи”. Агар уни омонимларини солиштирсак: “Осмон — бу бегараз ва адолатли буюк ҳукмдор, Ер — уйғунлашган самимият”. Камондан отилган халқ адолат рамзи (Zotov O., Yevraziyskaya geopolitika Timura: retrospektivniy vzglyad, 2012). У Амир Темурнинг сиёсий фалсафасида метафоралар асосида ифодаланганлигига гувоҳ бўламиз.

Зайниддин Абубакр Тойободий Хуросонлик улуғ шайх, ислом оламида машҳур пирлардан саналган. У кишида ҳам “Осмон, Ер, Камон, Ёй” рамзи ишлатилган. Бизнинг-ча, Туронга ислом дини кириб, ёйилгани билан Тангрилик ғоялари қадимий таълимот сифатида сақланиб, ислом маданияти билан аксарият ҳолларда қоришиб ҳам кетганлигини билдиради. Қадимий турклар аввалига ҳарбий хизмат маҳорати билан муносиб лашкашбошини ҳукмдор мартабасига кўтаришган ва кейин унга диний мақом берганлиги билан Тангри ва Осмон ўғлига айлантирган. Империя ҳукмдорлари олий ҳокимият ҳукмдорлигига фақат диний уломолар томонидан фатволангач тан олинган. Шундай қилиб, ижтимоий ҳаётни адолат билан тўғри ташкил этишнинг бирдан бир оқилона йўли бу фақат диний таъсир — Аллоҳнинг номи билан расмийлаштиш, деб қаралган. Амир Темурни кигизга ўтиргизиб ҳукмдор, деб эълон қилинганида айнан ана шундай қадимги илоҳий мақсадлар назарда тутилган.

Амир Темур ушбу рамзий қадриятлар асосида халқнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини яхши билган, нуфузли аъёнларни ўз қадрдонларидек тутган, оддий фуқароларни фарзандларидек кўрган, ҳар бир ҳудуднинг урф-одатларига мос муносабатда бўлган, улуғларига илтифот кўрсатган, адолатли сиёсат билан ирода қилган. Бу хусусида, Амир Темурнинг ўзи шундай фикр билдиради: - Мовароуннаҳрни келажакда сақлаб туриш бўйича Туғлуқ Темурхон маслаҳат сўради: - «Давлат чодирини ҳиммат ипи билан маҳкамла, устунини адолат тиргаги билан тикла ва таноблари михини инсоф ерида маҳкамла, токи бу чодирга ҳар ким кира олсин ва чиқа олсин. Бу диёрда саййидлар ва уламо ва машойихни азиз тутгил, раиятни адолатинг соясида сақлагин. Бу мулкнинг яхшиларига мурувват ва яхшилик қил, ёмонлари билан мурсаи мадора қилиб умр кечиргил. Бу диёр аскарларини эҳсон билан боғла, токи ҳар иш қилса - ҳақини олсинлар ва агар хизматда ўлсалар-мукофотини олсинлар», - дедим” (Temur qissasi, 2004).

Қадимги туркийлар фалсафий қарашларида ўтмиш урф-одат ва анъаналарига содиқлик ғоялари устувор мазмун касб этади. Унда ўтмиш билан

бугунни, осмон билан ерни, подшоҳ билан халқни, амалдор билан фуқарони мурасага келтириш, манфаатларини уйғунлаштириш каби ғоялар муҳим ўрин тутди. Ерда Осмон иродаси ҳукмрон. Осмон иродасини бажариш Ердаги подшоҳ – осмон ўғлининг бурчидир. Мана шундай уйғунлик марказлашган давлатнинг вужудга келишига замин яратди. Тангрилик фалсафасида доно ҳукмдор ижтимоий шарт-шароит талабларига жавоб бериши, жамият ҳаёти оқимини йўналтириши ва бу ишлар ортиқча ташвишларсиз сокинлик билан амалга оширилмоғи лозим. Ҳукмдор ҳокимияти шариатга кўра, анъана-одатларга мувофиқ таъсирли аммо, максимал даража табиий ва минимал даражадаги зулмга эга бўлиши керак. Ҳукмдор иродаси халқнинг турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетсинки, умумий манфаатлар ўз ифодасини унда намоён этиши керак, деган таълимотларга асосланади.

Тангри таълимотида олий ҳокимиятнинг кадриятларга суяниши, эзгу ва улуғ мақсад, адолат ҳақида аниқ тасаввурлар ва унга амал қилиш тартиботлари белгиланганлигини кузатамиз. Ушбу меъзонлар Осмон ўғлининг бурчи, салтанатни тартибга солиш халқнинг фаровонлигини таъминлаш омили. Туркларнинг олам ҳақидаги концепциясидан уларнинг анъанавий дунёқараши келиб чиқади. Зотан, ҳар бир халқнинг маданияти – бу фақат унинг моддий турмуш тарзи, фольклор қўшиқлари ва рақсларигина эмас, бу Оламнинг, инсоннинг ва бутун тирик мавжудоднинг келиб чиқиши ҳақидаги мифларни ўз ичига олган анъанавий дунёқараш, бу ҳаёт ва ўлимни англаш, инсон, макон ва замон концепцияси, аждодлар ҳақидаги ҳикоялар, ўтмишдаги халқлар урф-одатлари ҳамдир. Туркларнинг анъанавий дунёқараши ҳаётнинг маъноси атроф-муҳитни билишда ва унда инсоннинг ўрнини англашда деб билган (Ergashev Sh., Qadimgi sivilizasiyalar, 2016).

Кўчманчилар ҳукмдорларининг ҳокимияти жамият ва Осмон (Тангри) ўртасидаги воситачи сифатида бошқа дунё кучларидан ҳимоя қилиш ва одамлар илтифотини таъминлайдиган муайян вазифаси билан ажралиб турган. Кўчманчиларнинг диний эътиқодларига кўра, жамиятнинг марказини шахс иродасига бўйсунтирилган дашт жамиятининг ҳукмдори ўзининг илоҳий қобилиятлари билан фаровонлик ва барқарорликни таъминлаши керак бўлган маросимларни ўтказган. Ушбу функциялар иккинчиси учун катта аҳамиятга эга эди, чунки архаик ва анъанавий жамиятларнинг мафкуравий тизимининг асосий элементларидан бири бу мукаддас ҳукмдорнинг сеҳрли хусусиятларига ишониш бўлган. Ушбу ғоявий вазифалар жамият ҳукмдорининг ғайритабиий мақомга эга

бўлганлигини кўрсатади. Бундай қарашларга кўра, жамият равнақи ҳукмдорнинг берилган фазилатларига, унинг харизмасига, Осмон ва бошқа ғайритабиий кучларнинг хайрихоҳлигини таъминлаш қобилиятига боғлиқ деб ишонишган. Агар ҳукмдор ўзининг функцияларини бажармаса, жамоада фаровонлик таъминланмаса, агар тўсатдан молларнинг касалликдан ўлими кўпайса, унда лаёқатсиз раҳбарни алмаштириш ёки ҳатто ўлдириш мумкин бўлган. Кўчманчилар Осмоннинг ўзи куч ўзгаришини талаб қилапти, деб ҳисоблашган (Kradin N., Struktura vlasti v kochevix imperii, 2002).

Аксарият олимлар асарларида эрамиздан аввалги IV-V асрларда вужудга келган Тангри таълимоти бевосита Конфуцийликка асосланган деган қарашларни кузатамиз. Албатта, таҳлилларда айрим, баҳсалаб жиҳатлар мавжуд. Олимлар дашт кўчманчилари ҳақидаги маълумотни ном сифатида тилга олади, холос. Лекин шу дашт одамлари турклар бўлиб, Кўк (Осмон) Тангрисига эътиқод қилганлигини эътиборга олмаганлиги учун давлат бошқаруви борасидаги фалсафий таълимотларни Хитой мутаффакирлари таълимотлари билан боғлайди. Америкалик олим Мирча Элиаде “Осмон-Ер” фалсафаси мўғулларнинг Тангри таълимотидан келиб чиққан, деган фикрни илгари суради. Мўғуллар коинот тартиби, бинобарин, олам ва жамият шакл-шамойили, шунингдек одамлар тақдири тўлиғича Тангри иродасига боғлиқ, айни пайтда, ҳар бир ҳукмдор осмон ҳимоясида бўлиши лозим бўлганлигини таъкидлайди. Ўрхун-Энасой ёзиғида, дейди олим, - “Менга давлатни тухфа этаётган Тангри менинг Ҳокон отамни юксалтирди, унинг ўзи менга фатво берапти”, деган жўмаларни келтиради. Унга кўра Ҳокон – бу Осмон Ўғли.

Ҳар қандай ҳукмдор Осмон Худоси томонидан юборилган хабарчи ва вакил. У Тангрининг иродасини қатъий равишда ижро этилишини назорат қилади, деган тушунчаларни асослайди (Eliade Mircha., 2019). Бу ерда Қаған деган туркча сўзни Хитой ўзлаштириб олгани ойдинлашади, яъни Ка – ўғли, Ған – Осмон бўладиган бўлса, Осмон одамлар яратувчиси, яъни коинот ҳақиқатини рўёбга чиқарувчи тимсоли бўлса, ўғли (у яратган ва танлаган одам) одамлар орасида шу вазифани бажарувчидир, деган маънога ишора қилинади. Яъни қадимги туркийларда Ҳокон - Қаған - Қоон - Хон сайлаш муайян элатда шу элат учун барча нарсани яратувчи ва унда Тангри адолатини жорий этувчи, адолат посбони маъносида қўлланилган. Бунини Хитойлар туркийлардан ўзлаштириб олганлар ва ўз «Осмон ўғли» културини яратганлар, деган илмий ғояни асослайди. Мазкур фикрни Азамат Зиё ҳам тасдиқлайди: “ Ҳокон аслида туркий

каган унвонининг арабий жаранглашидан ҳосил бўлган. Ҳоқонлик, яъни олий ҳукмдорлик меросий ҳисобланган. Тахт отадан болага ўтсин, қабилидаги қатъий тартиб бўлмаган. Хитой манбаларидаги маълумотлар билан танишиш шу хулосага олиб келадики, олий ҳукмдорлик отадан болага, акадан укага ё бўлмаса, манба тили билан айтганда, бирон-бир «қариндош»га насиб этиши мумкин бўлган» (Azamat Ziyoy, 2001).

Конфуцийликнинг фалсафий қарашлари ҳам қиёсан таққосланганида, уларда ҳамоҳанг чизиқларни кўрамиз. Унда подшоҳ энг аввало “Осмон ўғли”. У Осмон иродасини Ерда, ўз фуқаролари ичида амалга оширади. Осмон иродасини билмай олийжаноб подшоҳ бўлиши мумкин эмас. (Mudres podnebesnoy, 1998) Унингча, бадахлоқ киши юқори лавозимга кўтарилса, халқ озор чекади. Уларга давлатни бошқариш ишларини ишониш туғилган чақолоқни дев олдида ташлаш демакдир, деб қарайди. Оқибатда юртда Осмон тартиблари бузилади, бемаврид ёмғир ёғади, қутилмаганда қуёш чиқади, иссиқ ёки совуқ бошланади, шамол туриб, ерда тошқин ва қасалликлар тарқалади (Iskusstvo vlastvovat, 2001).

Шарқ халқларининг юксак маданияти эътирофи сифатида буюк файласуф К.Ясперс – “Ер ўз ўқи атрофида айлангани каби инсоният тарихи ҳам ўз ўқи атрофида айланади. Бу ўқнинг нуқтаси мутафаккирлар таъбири билан айтганда, инсоният маданиятининг шаклланиш даври бошланган ҳудудлар орқали белгиланади. Бу машъала Шарқдан тарқалган” (Yaspers K., Smisl i naznachenije istorii, 1991), деган фикрларига мутлақо қўшилаемиз. Шарқда пайдо бўлган диний таълимотларнинг вужудга келиши инсоният тарихи ибтидосини ифода қилувчи манба бўлиб ҳисобланган. Бундай таълимотлар Хитойда Конфуцийлик, Лаоцизм, Ҳиндистонда буддавийлик, Туронда Зардуштийлик, Тангри таълимоти маданиятларининг бир даврда вужудга келганлиги билан ҳам характерланади. Бу қадриятлар уч халқа бурчаги остида инсоният маданиятининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган.

Осмон ва Ер сирларини ўрганган машҳур рус олими К.Э.Циолковскийнинг таълимотлари биз мифологик фалсафа сифатида инкор этмоқчи бўлган илоҳий қарашларнинг илмий негизларини асослаб беради. У асарида коинот фалсафасининг илоҳий қудратини ахлоқий қадриятлар билан боғлиқ эканлигини илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Бинобарин, коинот олами инсон ва унинг фаровон ҳаётга интилишлари Ернинг иродаси билан уйғунлашганда амалда намоён бўлади. Ахлоқ инсонни эҳтирослардан озод қилади. Бахтли ва

бахтсиз ҳаёт инсоннинг ахлоқида мавжуд, деб қарайди. – “Энг асосий хато шундаки”, дейди олим, - “оламнинг фақат бир қисми (масалан, қуёш, ер, инсон) ҳодисанинг бош сабаби деб, ҳаётнинг асоси бутун борлиқ космосдан иборат эканлиги ҳисобга олинмасликда. Коинотнинг бирор бир қисми эртами ёки кечми бизга таъсир қилишини билмасликни тасаввур этиш қийин (Siolkovskiy K.E. Sbornik. M., 2014). Ундан чиқди, ахлоқ коинотнинг моҳияти, (Яратганнинг Т.А.) ҳақиқат унинг иродаси, адолат унинг ҳукми бўлиб ҳисобланади. Коинот сирини билиш, ўзини унинг бир қисми сифатида англамоғи инсонга қувонч ва хотиржамлик бағишлайди. Унда юксак тафаккур ҳукмронлик қилади ва мукаммал бўлмаган ҳеч қандай нарсанинг ўзи йўқ. Коинотда тафаккур ва ижтимоий тартиботлар ҳукмронлик қилган ва бундан бўён ҳам ҳукмронлик қилади. Тафаккур ҳар қайси атомларни абадий фаровонликка етакловчи асос бўлиб қолади (Siolkovskiy K., 2012). Ҳолбуки, диний таълимотларда ақл – бу илоҳий ҳукмронлик, Аллоҳнинг висоли. Кўриб турганимиздек, илмий қарашларда бу ҳодисалар ўз исботини топган.

Олимнинг фикрларида коинот мукаммал органик атомларни вужудга келтиради, ҳар бир атомда жушқин ҳаёт манбаси мужассам. Атомлар барча органик ва ноорганик моддалар орқали инсон мавжудлигини ташкил қилади. Биз унинг иродасидаемиз. У бизнинг онамиз ва ҳукмдоримиз, барча сабаблар моҳияти, деб қарайди. Бинобарин: - “Бу дунёда ҳар бир хатоимиз учун бизни интиқом кутади. Ёмон ишингиз учун сизни жазолашади ёки бошқа биров сиз учун товон тўлайди. Бирок, одамзот билсинки, агар у, ер юзи ва сайёраларнинг бари ақлдан озган бўлса, унда бутун коинот жаҳаннамга равона бўлади (Siolkovskiy K., 2012)”. Яъни, табиат қонуниятларининг инсон томонидан суиистеъмол этилиши жавобсиз қолмайди. Олий ақлнинг (Аллоҳнинг) иродасида ахлоқ жамият мувозанатини таъминловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқнинг физик хоссалари борасида тадқиқот олиб борган Чилилик олим Дарио Салас Соммер мазкур қарашларни ниҳоятда асос билан тасдиқлашга эришади: “Аслида ахлоқ ҳақиқатан ҳам ўз-ўзинг ва коинот билан уйғунликка эришиш ҳамда қомолот имкониятларини таъминловчи табиат қонунлари мажмуидир” (Dario Salas Sommer, 2014). Ундан чиқди, ахлоқ бу шунчаки одамлар ўртасидаги муносабатлар қондаси эмас, балки инсон мавжудлигининг эҳтиёжи, шарт. Ахлоқий моҳиятнинг бузулиши, ҳар қандай ҳаёт мазмунининг, жумладан, давлатнинг ҳам емирилишига олиб келади. Муаллиф фикрини давом эттириб, - “Мен ишонч билан айта оламани, одамлар эзгулик ва

ёвузликнинг табиатини билмаганлари учун нотўғри иш қилишади ва ўзларининг шахсий манфаатлари ҳамда субъектив қарашларидан воз кеча олмайдилар. Коинотда тўлиқ муваффақиятга эришишнинг ягона воситаси ва бирдан бир моҳияти - бу “Осмон ва Ер йўли”га эришиш учун ушбу қоидаларга амал қилишдир” (Dario Salas Sommer., 2014).

Чилилик олимнинг “Осмон-Ер” тўғрисидаги қарашлари кишини бир мунча ҳайратга солади. Аммо, мустаҳкам ва дадил хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бинобарин, инсон ўз табиатида яхшилик тамойилларига риоя қилиш билан бир қаторда, ёвузликнинг бошланишида ҳам шундай содиқликни ўз зиммасига олади. Шундан келиб чиқиб, барча динларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашларнинг мавжудлиги ҳам аслида тасодиф эмас. Хулоса шундан иборатки, Амир Темурнинг шавкатли ғалабалари “Осмон ва Ер” иродасининг қонуниятлари итоатида амалга оширилган. Бу қонуният - “... адолат билан ҳукмронлик қилишга азму жазм этдим” (Temur Tuzuklari, 2015), деб давлатнинг сиёсий мақомини белгилайди.

Туркий халқлар тарихий меросимизни чуқур ўрганган олим Тильман Нагель адолатнинг илоҳий кучига суянган Амир Темур фаолиятига барча оқил, ақли расо одамлар учун бир неча бор тажриба ва амаллар билан тасдиқланган омил - бу дунёнинг ривожини адолатда эканлигини англашида, деб баҳо беради. Инчунин, фақат энг яхши урф-одатларга амал қилингандагина ҳар қандай ҳаёт гуллайди. Ушбу шарофат билан оламнинг юксак чўққисининг мавжудлиги, ернинг яшил гиламларга буркалиши, раҳбар ва хизматчи, ҳукмдор ва садоқатли фуқаролар ажратилган ўз жойларига муяссар бўладилар. Мабода баланд ва пастликнинг ўртасида фарқлар йўқолса, оламнинг асосига зил кетади. Худодан берилган қонуниятларга тескари, агар ақл табиий эътиқоддан чекинадиган бўлса, унда у ёмонлик яхшиликдан афзал келади, (Tilman Nagel., 1997) деган хулосаларни илгари суради.

Олимларнинг қайд этишича, коинот макони, жумладан она сайёра ҳам яхлит голографик структурага эга бўлиб, унинг барча қисмларини кесиб ўтган энергия манбалари билан туташган. Унинг ҳар бир қисмларидаги ўзгаришлар яхлит коинот структурасига ўз таъсирини кўрсатади. Бу занжирсимон тизим барча мавжудликни ягона организм сифатида ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Яхлитлик – бу мавжудликнинг барча шакллари ташкил этувчи бунёдкор, қудратли (энергия) манба, яратувчи ирода. Бу маънавий моҳият ҳаётий субстанция. Инсоннинг ҳар бир (энергияси) ҳаракати табиатда акс этади ва қайта боғланади. Инсоннинг (миссияси) моҳияти мукаддас, уни олий

куч яратади, шунинг учун у ўзида илоҳий нур олиб юради. Шу сабабдан у, улкан ва мислсиз бунёдкор ишларга қодир куч. Афсуски, бундай фалсафадан мосуво бўлган сиёсатчилар ўз ўзинини тополмай жамият уммонида халқни бадном бўлишига сабабчи бўладилар.

Инсон ва олам яхлитлиги масаласи борасида тадқиқот олиб борган физик олим Дэвид Бомнинг (1917-1992 йй.) тадқиқотлари инсон танаси энергия манбаси сифатида уни ҳаракатга келтирувчи руҳ аслида шу қувватнинг кўринишида намоён бўлишини очиб беради. Руҳ қуввати қандай манба билан таъминланса, у шундай ҳолатда бўлади. Агар у тазйиқ ва ёвуз кучлар таъсирида бўлса, ёвуз фаолиятга, эзгу бўлса, эзгу фаолиятга тортилади ва ташқи оламда (жамиятда) намоён бўлади. Ва табиатнинг ўзи унинг қонуниятларини бузганларни шафқатсиз жазолайди (Devid Bom., 1959). Бундан чиқди, ахлоқ шунчаки одамлар муносабатидаги одоб нормалари йиғиндисигина эмас, балки у олам яхлитлигини таъминлаш қонуниятидир. Инсон шу оламнинг бир қисми сифатида ахлоқий кадриятларга амал қилиш асносида коинотнинг гармониясига тортилади ва юксалади. Табиат мантиқан коинотнинг қисми, у барча борлиқнинг асоси. Биз шу коинот бағрида мавжудлигимизни таъминлаймиз. Шунинг учун ҳам унинг қонунларини ҳурмат қилишимиз даркор. Зеро, табиат ҳеч қандай мунофиқликни кечирмайди.

НАТИЖА

Амир Темурнинг сиёсий фалсафаси таълимотида давлат ишларига адолатпарвар, оқил ва ахлоқий тарбия кўрган кишиларни тайинлаш билан давлатнинг олий мақомини қарор топтиради. Халқда давлатга нисбатан ишонч уйғотади, бошқарувда адолат тартибларини жорий этади. Жумладан, - “Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузук кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим” (Temur Tuzuklari, 2015), дейди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики бўлсак, ёмон, нияти бузук одамлардан салбий энергия манбаси чиқади ва у ҳам ўз тортишиш қонуниятига эга. Салтанатда шу тоифадаги одмаларнинг кўпчилиги табиий равишда эзгу ишлардан устун бўлишига олиб келади. Улар адолат нурунинг манфий зидди. Бундай тоифадагилар билан эзгу амаллар амалга ошмайди. Салтанатда ёвузлик, зуравонлик, ихтилоф ва фитналар ортиб боради. Бу эса ўз ўрнида давлатни охир-оқибатда таназзул сари

этаклайди. Шу сабабдан Соҳибқирон ўз сиёсатида инсон омилига катта аҳамият қаратган бўлса, ажаб эмас. Зеро, ҳокимиятда тенглик ва фаровонлик инсоннинг раҳмоний туйғуларини рағбатлантириш асосида вужудга келади.

МУҲОКАМА

Юқоридаги фикрларни муқояса қилганимизда давлат табиатан икки устқурма асосида қурилади: улар диний идеаллар ва олий ҳокимият иродаси туташган жойда ижтимоий тизимга айланади. Ижтимоий тизимда идеалларга эгалик қилиб бўлмайди, у борлиқнинг ибтидоси, уларга фақат бўйсунуш ёки итоатда бўлиш мумкин. Бундай тушунча ҳокимиятни ҳақиқатни излашга даъват қилади. Идеалларда сўнамас ва абадий тафаккур мавжуд. Ҳокимият фақат ҳақиқатга, мавжудлик ибтидосига бўйсунуш билан ўзининг қудратига эришади. Бу эркинлик уни аввал Тангрига, кейин Аллоҳга мурожаат этишга ўндайди. У олий куч манбаи билан боғлиқ бўлган абадий моҳиятга даъват қилади. Айнан шу нуқтада дин ва ҳокимиятнинг муносабатлари вужудга келади (Tixomirov L.A., 1998).

Изланишнинг тадқиқот объекти шундаки, шу пайтгача давлат ва унинг вужудга келишига доир теологик таълимотлар қизил мафкура қобиғида бир ёклама муайян манфаатлар талқинида, анчагина бузуқ кўринишларда таҳлил этилган. Марксча-ленинча таълимотга кўра, давлат синфий характерга эга, ҳукмрон синфларнинг қўлидаги эксплуатация кулоли, жамият ривожлана бориб, пировардида давлат ўз қиёфасидан маҳрум бўлади ва даставвал ярим давлатга айланиб, кейинроқ (зарурат бўлмаганлиги боис) умуман барҳам топади, деган ақидаларга асосланган. Давлат тушунчаси масаласида демократлар унда-да қатъий бўлган “бозор” функцияларини юклайди ва унинг либерал қиёфасини вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада бугун илоҳий қадриятлар масъулиятдан мосуво бўлган давлат олғир-юлғуч, “нафси ўпқон”ларнинг кураш майдонига айланиб қолган. Давлат фуқаролар устидан нозирлик қилишда мажбурловчи, таъқиқ этувчи кучга, қонун билан таъқиқланмаган барча нарсалар мумкин, деган шаккокона даҳрий қарашларга суяниб қолган. Ҳолбуки, сиёсий манфаатлар ихтилофини ўз бағрида сақлаб келаётган қарама-қаршилиқлар давлатнинг бирламчи табиатидан мосуво бўлиб қолганлигидан далолат беради. Лекин, давлат ва халқ муносабатларининг асрий қадриятлари ўзгарган эмас. Унинг бирдан-бир манбаи халқ ва унинг манфаатларидир.

Инсоният ибтидоси даврдан вужудга келган фалсафий таълимотлар ҳокимият шаклининг бир

қанча турларини пайдо этганлиги маълум. Улардан дасталабки тушунчалар давлатнинг теологик концепцияси бўлиб, у ҳокимиятнинг ҳукукий асосларига қаратилган таълимотлар билан боғланиб кетади. Мазкур концепцияга доир қарашларда ҳар қандай давлат ҳокимияти Худо томонидан яратилган ва барча ҳукмдорлар фақат илоҳий иродани амалга оширувчи ижрочилар, деган ғояларга асосланади. Ҳокимият ўзининг табиатига кўра диний шариат аҳкомлари асосида ўрнатилган ва қарор топтирилган ҳисобланади. Одамлар Худонинг иродасига итоат этиши, илоҳий мантиқ (ақл) тамойилларига бўйсунуши жамиятда тартибларни таъминлайди, давлатчиликнинг барқарорлигини кафолатлайди, деб қаралади.

Теологик назарияга кўра, моҳиятан давлат ҳам илоҳий ирода, ҳам инсон иродасининг намоён бўлиши натижасидир. Синтез ана шу муносабатлар ўртасида ҳосил бўлади. Ушбу назариянинг афзалликлари шундаки, у ўз қарорларини энг юқори диний тамойиллар билан тасдиқлайдиган, унга алоҳида масъулият юклайдиган ва жамият олдида ўз обрўсини кўтарадиган, жамоат тартиби ва маънавиятини ўрнатишга ҳисса қўшадиган давлат ҳокимияти идеалини тушунтиради. Диншунослик назарияси табиатан универсалдир, чунки у давлатнинг келиб чиқишини тушунтиришда нафақат антропологик, балки метафизик ўлчовни ҳам ўз ичига олади. Агар биз масалага шундай қарасак, давлат олий қадрият эканлигини ва унга хизмат қилиш муқаддас бурчлигини идрок этиб борамиз.

ТАҲЛИЛ

Кўриб турганимиздек, олий ҳокимиятнинг келиб чиқишга доир қарашлар барча динларда яқдил келади. Христиан Ғарбида яқка ҳукмронлиқни илоҳий ҳуқуқнинг қаромати деб қарашган, Қирол шахсига илоҳий тус берилган. Унга худонинг ердаги вакили, миллатнинг ор-номуси, шону-шавкати сифатида Черковда фатво берилган. Барча фуқаролар ҳукмдор паноҳида унинг ҳимоясига олинган. Хитойда императорни Осмон илоҳиётига боғлаб, унинг Ўғли деб қаралган. Ҳуллас, подшоҳлик ғояси илоҳий қудратнинг ажралмас таркиби сифатида намоён бўлади. Амир Темурда ҳам ҳукмдор фармонлари ва ёрлиқлари илоҳий қадриятларга асосланганлигини инкор эта олмаймиз.

Диний-мифологик қарашлар кейинчалик давлат тўғрисидаги назарий таълимотларнинг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қилади. Диний қарашлар моҳиятида давлатнинг оталиқ ҳаққи ва меҳри нозил этилган. Давлат ҳақни англаш, адолатга интилиш, жасорат, ёвузликка қарши яхшилик, тинчлик ва осойишталик, саҳоват,

каромат, саодат ҳаёт рамзи, ҳокимиятнинг илоҳий ва олий ирода шакли. Унга ҳиёнат қилиб ва зуғум ўтказиб бўлмайди. Шу сабабдан халқнинг диний-тарихий илдизларини ўрганиш билан миллатнинг рухий-маънавий оламини, у яратган давлатчилик асосларини англаш мумкин бўлади. Ҳолбуки, мазкур маърифатдан мосуво бўлган халқлар ўз аламларини давлатини пароканда қилиш йўли билан кондиратганликлари анча таажжубли ҳолат.

Шарқ мутаффаки Абу Наср Форобий асарида давлатчиликнинг илоҳий моҳиятини фозил жамоа (фозил жамият ёки идеал давлат) ўзининг мукамаллиги, яшаш қонуниятлари бўйича коинотга қиёс қилинади: коинот аро турли ҳодисалар ва нарсалар ўртасида уйғунлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъминлаш Сабаби Аввал (Аллоҳ) фаолиятининг натижаси, шунингдек, жамиятда ҳам турли тоифалар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва мутаносибликка “биринчи имом” (Ravshanov F., 2007) яъни ҳукмдор фаолияти, унинг намунали ишлари натижасида эришилади. Мукамал жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар. Улар ўртасидаги энг мукамал шахс - давлатни идора қилувчи биринчи раҳбар ҳисобланади. У жамиятдаги бошқа тоифаларнинг мавжудлиги ва яшашларининг сабабчиси, улар фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, ўзаро уйғунлиги ва тартибга солинишининг бош ижрочисидир. Мутафаккирнинг кўрсатишича, “Ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди” (Abu Nasr Forobiy., 1993). Чунончи, унинг фикрича, фуқаролар кўп жиҳатдан раҳбарларига тақлидда яшайдилар, бу тўғри бўлса, улар тўғри, бу қинғир бўлса улар ҳам қинғир, деган ҳулоса келадики, у жамиятда имон поклиги билан амалда эришилинади.

Ислом динида ҳокимиятнинг келиб чиқишини илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган қарашлар масалан, Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида - “Аллоҳ таоло қизил олтиндан яратилган гавҳар билан безак берилган бир тахт тушурди. Унга ажойиб саруполар кийдирди, бошига тож ўрнатди. Уни тахт устига ўтказди. Етти юз минг фаришталар Оллоҳ таолонинг фармони билан келиб, Одамнинг теграсида сафландилар” (Qisasi Rabg‘uziy.), деб таъриб берилади. Низомулмулкнинг

“Сиёсатнома” асарида - “Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳар аср ва давру замонда халқ ичидан бир кишини подшоҳликка кўтариб, унга ҳунарлар ва ёқимли сийрату фазилатлар беради, дунё тинчлиги ва бандалар оромини қўлга бериб, фасоду ошуб эшигини у орқали ёпади, унинг имзо ва ҳашаматини халойиқ қалби ва кўзларида тарқатади, токи одамлар унинг адолати соясида паноҳ топиб, тинч кун кўриб, омонликда унинг давлати абадий бўлишини тилайдилар” (Nizomulmulk., 2008). дейди. Ушбу қарашларда олий давлат ҳокимиятининг вужудга келиши бевосита худонинг иродаси билан боғлиқ бўлган фалсафий моҳиятга нисбат берилади. Бу моҳият мифология эмас, давлатнинг (отанинг) инсонлар ихлос қилиши лозим бўлган идеал ғояларнинг тимсоли - ҳақиқат ва адолат рамзи! Бу маъғнинг учиши билан давлатнинг кадр-қиммати қолмайди.

Қадриятларга асосланган ҳокимият одамлар учун ҳаётий мақсадларни, жамият учун умумий ва муштарак сайёи-ҳаракатларни белгилаб беришга хизмат қилади, миллатнинг маънавий идеалларини юксалтиришга олиб келади. Буларнинг барчаси уйғун бўлган жойда халқчил ва идеал давлатчилик асослари пайдо бўлади. Унда ҳукмдор зулмкор эмас, худонинг ердаги вакили сифатида диний қадриятлар билан қуролланади. Халқ ва ҳукмдорнинг маънавий руҳият якдиллиги вужудга келади. Халқ иродасидан мустақил бўлган, аксинча, унинг эътиқоди ва руҳиятига суянган ҳокимиятнинг инсонпарвар қиёфаси вужудга келади. Бу итоат худонинг иродаси билан халқ манфаатларига қаратилади. Шундай қилиб, Соҳибқирон яратган ҳокимият фалсафасида ҳукмдорнинг халқ олдидаги мажбурияти (маданияти) қарор топади.

Халқнинг ҳокимият тўғрисидаги тушунчаларида илоҳий мақомнинг устворлиги шу миллатнинг ижтимоий-фалсафий тафаккурини ифода қилади. Бу ўзига хос сиёсий маданиятнинг белгиси, олий саодат рамзи сифатида салтанатни шакллантириш ва унинг ваколатини белгилаш демакдир. Ҳокимиятни босиб олиш, тортиб олиш, эғалик қилиш ҳали унинг ваколатини бермайди. Яъни ҳокимият ва унга эғалик мақоми фақат Аллоҳ номидан қилинган фатво зикри билан ҳукмбардорлик қилиш ҳуқуқини беради. Ҳукмдор худонинг иродасини ижро этишга масъул шахсга, ҳақиқат ва адолат посбонига айланади.

Амир Темур ислом шариатида Олий ҳокимият ғоясига суянади, ихтилофда бўлган турли эътиқоддаги қатламларни бирлаштиришга эришади. Шу масъулият ва мажбурият асосида Соҳибқирон салтанатда шаръий тартибларни ўрнатиш асносида ислом динини давлат мафқурасига айлантиради. Ҳокимият идорасида уламоларга катта имкониятлар

яратилади, қозикалонларнинг “ҳалол ва ҳаром” тушунчалари сиёсий бошқарувнинг таркибига киритилади. Салтанат фармон ва қарорлар Қуръони карим суъралари ва оятлари билан мувофиқлаштирилади. Адолат, қонун ва тартиботлар устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг арз-шикоятларини кўриб чиқишнинг тизимлари ўрнатилади. Давлат маъмурияти, ҳоким ва беклар, аёнлар ва амирлар фаолияти адолат манфаатлари устуворлигига бўйсундирилади. Ҳар қандай қусурлар жазосиз қолдирилмайдиган ахлоқнинг таъсир кучи вужудга келади. Бундай муҳитда шубҳасиз, фитна, ғирромлик, разолат, жаҳолат, қабеҳлик, тажоввуз чекинади. Ор-номус, қадр-қиммат, имон-эътиқод, виждон инсоннинг дил амрига айланади. Шу сабабдан ҳукмдор давлатга эмас, инсонга, олий ва илоҳий кучга хизмат қилиши билан унинг ердаги вакилига айланади. Бундай мақом манфаатларга эмас, илоҳий қадриятларга бўйсундирилган мажбуриятни рўёбга чиқаради.

Мазкур диний-фалсафий қарашларнинг моҳияти Мухаммад Қозининг ҳукмдорларга берган ўғитларида анча кенг ҳулосалар очиб берилган. Жумладан, у шундай дейди: «Подшоҳ халқнинг розилигини ўйлаб, ҳукм чиқаришда сусткашлик кўрғазмаслиги ва иккиюзламачилик қилмаслиги лозим. Шунингдек, ҳар бир одамни хушнуд этиш учун ҳақиқат ва шариятга қарши бормаслиги керак. Ҳукмронликнинг ўзига хос томони шундаки, доимо халқнинг ярми подшоҳдан норози бўлиб юради. Чунки муҳолиф, тарафни ҳақиқат билан хушнуд этиб бўлмайди ва бутун халқнинг розилигига эришмоқ одил подшоҳ учун ҳам имконсиздир. Подшоҳ ҳукм чиқарганида ҳеч кимга ён босмай беғараз бўлса, яъни норози одамларнинг ғазабидан андиша қилмай, аввало Оллоҳ розилигини истаса, ҳақ субҳонаҳу ҳам ундан рози бўлади ва ҳам одамларни ундан рози қилади» (Muhammad Qozi., 1999). Мазкур фикрда унут бўлган ҳокимият табиатининг чуқур моҳияти ётибди. Бу моҳият диний таълимотлар негизида сиёсатнинг ахлоқийлигини, ҳокимиятнинг халқчил қиёфасини шакллантиришга қаратилган. Диний идеаллар ҳокимият сиёсатининг реал моҳиятини белгилаб беришга хизмат қилади.

Диний таълимотларга кўра, Олий ҳокимият иродасига бўйсундирилган давлатнинг динга доир муносабати ўзаро ҳамкорлик иттифоқида қурилади. Бундай иттифок, даставвал давлат учун керак. Бу асослар ҳар қандай давлатнинг яшовчанлиги таъминлашга хизмат қилади. Амир Темур бундай масаланинг сиёсий моҳиятини англаб, унга доимо амал қилишга интилган. Диний таъсир доираси қамраб олган барча ижтимоий тизим соҳаларида ўз таъсирини ўтказишидан манфаатдор бўлган. Бундан ташқари, дин халқ ва империя бирлаштирувчи унсурларни ташкил қилади. Ўз

навбатида ҳукмдор халқ эътиқодини ифода этувчи олий шахс ҳисобланади. Амалиётда монарх ёхуд дин халқдан ажралса, уларнинг имон-эътиқодини ифода қилмаса, давлат ва дин ўртасида ихтилоф ва тўқнашувлар вужудга келган. Бу борада Соҳибқирон шундай фикрни келтиради: - “Агар Тангри таоло бирор кимсага салтанатни лойиқ кўрган бўлса, бу билан унга илоҳий сояси ва лутфини ҳам ато этган бўлурдир. Тангрининг бундай лутфиға эришгон ҳоким доимо одил ва раҳмдил бўлмоғи даркор. Шунда унинг давлатининг куёши баланд кўтарилғай. Мен буюк салтанат тахтига ўлтиришим бирла ушбу қоидаларга доимо амал қилдим ва бу сифатларни ўзлаштириб олдим ва халойиққа шафқатни шиор этдим, адолат ва инсоф ила амал қилдим” (Amir Temur Kuragon., 1992).

Охирги туркий империяларда унут бўлиб кетган бундай диний қадриятлар ўрнига зўравонлик сиёсати устуворлик қилиб, ҳокимият бирёқлама манфаатларга асосланганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Якка ва ўзбошимча шахснинг иродасига тобе давлат фаолияти, суиистъомол қилинган қадриятлар ёхуд ворисларнинг ношудлиги, сулолалар ўртасидаги ихтилофлар улкан империяларнинг емирилишига сабаб бўлган. Кучли давлат мақсад-муддаоси ҳам босқинчилик асосига қурилган. Натижада ижтимоий тизим даражасига кўтарилмаган диний қарашлар шароитда давлат ва халқ ўртасида ахлоқий муносабатлар шаклланмаган. Ҳукмдор ва халқ иродасини боғловчи муқаддас ва илоҳий тушунчалар қадрият сифатида ҳокимият фаолиятининг таркибига айланмайди.

Дин ва сиёсат ўртасидаги ихтилофнинг юзага келиши диннинг сиёсатга ва ҳокимият табиатига бўйсунтирилганлигида кузатилади. Мусулмонларнинг давлати таназзул сабаблари борасида Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратлари қуйидаги изоҳлар келтиради:

Пасайиш аввало икки нарсда, одамлар унчалик сезмаган ҳолда намоён бўлди:

1. Раҳбарлик халифаликдан подшоҳликка ўтди. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳу халифаликдан воз кечиб, Муовия розияллоҳу анҳу бошлиқ бўлганларида, кейинчалик у кишининг ўрнига ўғли халифа бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо шундай бўлди. Кейин эса давлат раҳбарлиги Бану Умайя қабиласининг одамлари қўлига ўтди. Улар ўзларининг ичидан энг яхшисини давлат бошлиғи қилиб сайлайдиган бўлишди. Рошид халифалар даврида эса мусулмон умматининг энг яхшиси халифа бўлар эди.

2. Мусулмонлар уммати аста-секин ҳокимларнинг фаолиятини текшириб бориш хусусиятини йўқотди. Рошид халифалар даврида

эса мусулмон уммати ҳокимларнинг фаолиятини диққат билан текшириб борар, бирор хато топса, юзига айтар эди.

Аббосийлар даврида маишатбозлик, мол-дунёга ружу қўйиш ва бекорчи дабдабалар кўпайди. Жория тутиш, хусусан, кушиқчи, раққоса жориялар тутиш пайдо бўлди ва авж олди. Тасаввуф номидан иш кўрадиган таркидунёчилар, қалбаки зоҳидлар ва шуларга ўхшаш бошқа тоифалар кўпайди. Марказий давлатдан турли давлатлар ажраб чиқиб, мусулмонлар бирлиги йўқолди. Илмсизлик ва бидъат-хурофотлар тарқалди (Shayx Muhammad Sodiқ Muhammad Yusuf., 2019).

Аббосийлар давлати раҳбарлари, ислом шариатини ўз ҳукуматларининг қонунлари сифатида тадвин қилиб (тўплаб, тасниф қилиб) амалга ошириш учун ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, қонун ва мазҳабни назорат қилиш маъносида бўлган бундай ҳаракат кўп давом этмади. Дин арбоблари давлат билан бирлашиб ҳамкорлик қилишдан бош тортди. Шу йўсинда ислом қонунчилиги ўз мустақиллиги (давлатдан ажралганлиги)ни саклаб қолиб амал доирасидан узоклашди. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва Абу Сулаймон Жўзжоний, Умавийлар ва Аббосийлар давлатлари томонидан уларга таклиф этилган қозилик вазифасини қабул қилмаганликлари, бу ўринда яққол мисол бўла олади (Abdulxakim Shar'iy Juzjoniy., 2002).

Диннинг сиёсийлашуви натижасида Шарқда дин ва ҳокимият мувозанати қарор топмайди. Унинг фундаментал асослари бузилади. Дин гоҳ ҳокимият тасарруфига сингдирилиб, мустақил хусусиятларини йўқотган, гоҳ ҳокимиятдан ташқари муҳолифатда радикал сиёсий кучга айланган. Дин олий ирода сифатида давлат ҳокимиятига нисбатан мувозанати қарор топмайди. Тўртинчи халифадан сўнг халифатнинг подшоҳликка айланиши оқибатида динни сиёсий ҳокимият фаолияти даражасида пасайтириш оқибатида унинг асл моҳиятига – миссиясига катта зиён етади. Диннинг ижтимоий ҳаёт асосларини белгиловчи ва етакловчи кучи шахслар манфати иродасига бўйсундирилади. Натижада одамлар руҳияти ва тушунчаларида эътиқод ва сиёсат ўртасида айнаган, иккиламчи мунофиқ тафоввутлар вужудга келади. Масжиддан гуноҳларини сўраб чиққан мусулмонлар яна бемалол тирикчилик важида виждон азобисиз қабех ва ғирром ишларга қўл уравериши “эътиқод”ларига ҳалал бермай қўяди. Ва бундай зиддиятчи ҳолат бугунда авфсуски давом этиб, дин, халқ, ҳокимият муносабатлари ўртасидаги мажбуриятлар ўз ижтимоий асосларини топган эмас. Инсон эътиқоди, қалб эркинлиги ҳақиқатга интилмасдан ҳам ибодат қилиш мумкинлигига қўникади.

Шахсга, ҳокимият иродасига тобелик ёхуд кўр-курона итоат қилиш, исломга зид бўлса-да, ҳамон миллий руҳиятимиздан чиқиб кетган эмас. Шу маънода империянинг қўлаш сабабларини фақат Амир Темур шахси ва иродаси билан боғлаш, албатта нотўғри бўлади. Унинг асосий сабабларидан бири бу дин, давлат ва халқ муносабатларида олий ҳақиқатни англаш ва излашдаги тафоввутларда ётган бўлса, иккинчи сабаб туркий қавмларнинг уруғ-аймоқчилик даражасидан миллий бирликни англаш даражасига чиқа олмаганлигида намоён бўлади.

Дин миллатни, миллат давлатни вужудга келтиради. Қадриятларига суянмаган халқнинг идеал ғоялари бўлмайди. Идеал (ҳақиқати) ғоялари бўлмаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Ўз даврида В.Гегель халқнинг руҳи, унинг тарихи, дини, сиёсий эркинлик даражаси, уларнинг бир-бирига таъсири билан ҳам, ички борлиги билан ҳам алоҳида кўриб чиқилиши мумкин эмас, улар битта тугунга боғланган. Мисоли учта ҳамкасбнинг ҳеч бири бошқасидан ташқари ҳеч нарса қила олмайди, аммо ҳар бири бошқасидан нимадир олади. Алоҳида шахс ахлоқини шакллантириш дин, ота-оналар, шахсий ҳаракат ва вазият шароитлари билан боғлиқ бўлса, миллат руҳини шакллантириш қисман халқ динига, қисман сиёсий шароитларга боғлиқ (Gegel G.V., 1970) эканлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Тарихий тараққиёт тажрибаси шарқда ҳукмдор шахс иродаси ва зиммасига юкланган мажбуриятларнинг диний-анъанавий негизлари даврлар ўтиши билан жамоавий иерархик бошқарувдан ажралиб чиққани ва унутилади. Бир моҳиятнинг икки қисмга айланиши натижасида “дунёвий”, “диний” деган тушунчаларнинг пайдо этилишига замин яратади. Ҳолбуки, диний ва дунёвий тафаккурни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Улар минг йиллар мобайнида турли минтақаларда, турли шаклларда инсоният тараққиётига кучли таъсир этган ва кишилиқ тадрижий ривожланиш босқичларига муҳим асос бўлиб хизмат қилганлиги (Jo'rayev N., 2002) халқнинг давлатчилик ривожига муҳим аҳамиятини белгилаб келган.

Диний тасаввурлар асосида инсоният тафаккурида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ахлоқий категорияларнинг илк тарихий элементлари шаклланган. Ижтимоий тараққиёт давомида дин инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи, маданият ва маънавият кўринишларидан бирига айланган. Айни чоғда, ижтимоий онг шаклларида бири сифатида дин жамият сиёсий тизимининг шаклланиши ва

фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган (Hasanboyev O., 2014). Шундай экан, ҳулоса қилишимиз мумкинки, миллий қадриятлар, хусусан ислом дини таълимоти Соҳибқирон яратган империянинг олий ҳокимиятини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Инсоният цивилизациянинг ибтидоси ва унинг давлатчилик шакли жараёни Зардуштийликдан Исломгача бўлган маданий масофада ўз мавжудликларини сақлаб қолишга эришиб келмоқда. Амир Темурнинг давлат қурулиши борасидаги улкан меросларидан бири бу сиёсий ҳокимиятнинг фалсафий конструкциясини ярата олганлиги билан белгиланади. У дунёвий, деб номланаётган жамиятнинг шаклини диний қадриятлар билан тўлдириш орқали унга ҳаётбахш мазмун касб этади. Диний таълимотларни давлат сиёсатининг мазмунига айлантиради. Шу тариқа давлатнинг диний қадриятлар билан тўйинган, биз бугун бош қотириб юрган умуминсоний моделини яратишга эришади. Барча диний қадриятлар ягона давлатнинг маданиятига айланади.

Жамият, давлат, дин нисбати, ҳар бирининг роли ва ўрни тегишли давр ва маданиятида ушбу муассасалар асосий масалалар сифатида ҳар доим долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу бирлик цивилизация тузилишининг ташқи шакллари ва ҳар қандай давлатнинг ички архитектурасини белгилайди. Шу сабабли дин билан ўзаро таъсир масалаларини ўрганиш давлат, куч ва имон ўзаро манфаатли шаклларни топишга имкон беради. Тарихий тажриба кўрсатиб турибдики, давлатнинг буюклиги ҳокимият ва жамият мафкура орқали ҳуқуқий (адолатли) муҳитни вужудга келтиради. Амир Темур ўз сиёсатида Яратганнинг иродаси билан буюклик тимсолини қулга киритади ва бундай қудратнинг абадийлигига эришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Искусство властвовать. –М.: Белые альвы, 2001. С-288
2. Темур қиссаси. – Т.: Фан, 2004. – С. 137.
3. Раҳманалиев. Р. Империя тюрков. Велекая цивилизация. –М.: Рипол. 2009. – С. 704.
4. Мирча Элиаде. История веры и религиозных идей. Том 3. – С. 330.
5. Мурад Аджи. История тюрков. – Москва, АСТ, 2009. – С. 99.
6. Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алма-Ата, Алмата. 2017. – С. 38.
7. Эргашев Ш. Қадимги цивилизациялар. – Тошкент: Ўзбекистон. 2016 – Б. 335.
8. Жал-Поль Ру. Тамерлан. – Москва: Молодая гвардия. 2012. – С. 139.
9. Садри Максуди Арсал. Тюркская история и право. – Казань: Фэн. 2002. – С. 117.
10. Темур тузуклари. –Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 16.
11. Крадин Н. Структура власти в кочевых империи. Российская Академия Наук. Центр цивилизационных и региональных исследований. – Москва. 2002. – С. 188.
12. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарқ. 2001. – Б. 82-83.
13. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Политиздат. 1991. – С. 35.
14. Циолковский К.Э. Сборник. Космическая философия. – Москва: Сфера. 2004. – С. 539
15. Дарио Салас Соммэр. (2014) Мораль XXI века. –Москва.: Кодекс. 2014. – С. 480
16. Тильман Нагель. Тимур – завоеватель и исламский мир позднего средневековья. – Ростов-на-Дону: Феникс. 1997. – С. 212.
17. Дэвид Бом. Причинность и случайность в современной физике. / Пер. с англ. С. Ф. Шушурина. – Москва: ИЛ, 1959. – С. 248
18. Тихомиров Л.А. (1998) Монархическая государственность. –Москва.: ГУП Облиздат, ТОО Алир. 1998. – С. 80.
19. Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 262
20. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. – Б. 189.
21. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – Б. 240.
22. Амир Темур Курагон. Зафар йўли. Тошкент: Нур. 1992. – Б. 137.
23. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Тошкент: HILOL-NASHR. 2019. – Б. 395.
24. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002.
25. Гегель Г.В. (1970) Исторические этюды // Гегель Г.В.Ф. Работы разных лет: в 2 т. – Москва: Мысль. – Т. 1. 1970. – С. 78.
26. Жўраев Н. (2000) Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият. 2000. – Б. 196
27. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий қурашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2014. – Б. 552
28. Kalandarova, D. U. Religion and social identity analysis in virtual space. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 2020. 10 (10), 1164-1168.
29. Kalandarova, D. Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020 (1), 210-214.
30. Oripovna, Q. F. The Organisation Of Islamic Cooperation And Arab World: Processes Of Events. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(11), 2020. 33-40.
31. Qo'ysinova, Fazilat. «STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990),» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 4 ,

Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss4/8>.

32. Kuysinova, Fazilat Oripovna. «THE ROLE AND POLITICAL IMIDGE OF THE ORGANIZATION OF THE ISLAMIC CONFERENCE IN THE INTERNATIONAL RELATIONSHIP SYSTEM.» Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research 2 (2019): 61-68.
33. Oripovna, K. F. Arabian Consolidation and Organization of Islamic Conference in The 70-S of The XX Century. 2018.
34. Gafurova, Irodaxon «ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN,» The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/7>.
35. BEKMIRZAEV, Ilhomjon and Gafurova, Irodaxon. «THE IMPACT OF ISLAM ON SOCIOPOLITICAL AND SPIRITUAL LIFE IN CENTRAL ASIA,» The Light of Islam: Vol. 2021: Iss. 1, Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2021/iss1/1>.
1. Iskustvo vlastvovat. –M.: Beliye alvi, 2001. S.288
2. Temur qissasi. – T.: Fan, 2004. S.137
3. Raxmanaliyev. R. (2009) Imperiya tyurkov. Velekaya sivilizatsiya. –M.: Ripol. S.704
4. Mircha Eliade. Istoriya verы i religioznykh idey. Tom 3. – S-330.
5. Murad Adji. (2005) Istoriya tyurkov. – Moskva, AST, -99 s.
6. Bisenbayev A. (2017) Mify drevnix tyurkov. – Alma-Ata, Almata. – S .38.
7. Ergashev Sh. (2016) Qadimgi sivilizatsiyalar. – Toshkent: O‘zbekiston. -335 b.
8. Jal-Pol Ru. (2012) Tamerlan. – Moskva: Molodaya gvardiya. – S.139.
9. Sadri Maksudi Arsal. (2002) Tyurkskaya istoriya i pravo. – Kazan: Fen. 117 s.
10. Temur tuzuklari. –Toshkent: Sharq, 2005. – B. 16.
11. Kradin N. (2002) Struktura vlasti v kochevix imperii. Rossiyskaya Akademiya Nauk. Sentr sivilizatsionnix i regionalnix issledovaniy. – Moskva. S.188
12. Azamat Ziyov. (2001) O‘zbek davlatchiligi tarixi. Toshkent: Sharq. – B. 82-83.
13. Yaspers K. (1991) Smisl i naznachenie istorii. – Moskva: Politizdat. – S. 35.
14. Siolkovskiy K.E. Sbornik. Kosmicheskaya filosofiya. – Moskva: Sfera. S.539
15. Dario Salas Sommer. (2014) Moral XX1 veka. – Moskva.: Kodeks. S.480
16. Tilman Nagel. (1997) Timur – zavoyevatel i islamskiy mir pozdnego srednevekovya. – Rostov-na-Donu: Feniks. – S. 212.
17. Devid Bom. (1959) Prichinnost i sluchaynost v sovremennoy fizike. / Per. s angl. S. F. Shushurina. – Moskva: IL, 1959. S.248
18. Tixomirov L.A. (1998) Monarxicheskaya gosudarstvennost. –Moskva.: GUP Oblizdat, TOO Alir. – S. 80.
19. Ravshanov F. (2007) Milliy rahbarshunoslik: tarix va tajriba. – Toshkent: Akademiya, B.262
20. Abu Nasr Forobiy. (1993) Fozil odamlar shahri. – Toshkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. –B. 189.
21. Nizomulmulk. (2008) Siyosatnoma (Siyar ul-muluk). Ikkinchi to‘ldirilgan, qayta ishlangan nashri. – Toshkent: Yangi asr avlodi. – B. 16.
22. Amir Temur Kuragon. (1992) Zafar yo‘li. Toshkent: Nur. – B. 12
23. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2019) Olam va odam, din va ilm. – Toshkent: HILOL-NASHR. -395 b.
24. Abdulkakim Shar‘iy Juzjoniy. (2002) Islom huquqshunosligi, xanafiy mazhabi va O‘rta Osiyo faqirlari. Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2002. B.
25. Gegel G.V. (1970) Istoricheskiye etyudy // Gegel G.V.F. Raboty raznykh let: v 2 t. – Moskva: Mysl. – T. 1. – S. 78.
26. Jo‘rayev N. (2000) Mafkuraviy immunitet. – T.: Ma‘naviyat. B. 196
27. Hasanboyev O‘. (2014) O‘zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo‘nalishlari. – Toshkent: Toshkent islom universiteti. B.Kalantarova, D. U. (2020). Religion and social identity analysis in virtual space. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(10), 1164-1168. B. 552
28. Kalantarova, D. (2020). Features of aspects of information exchange. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
29. Oripovna, Q. F. (2020). The Organisation Of Islamic Cooperation And Arab World: Processes Of Events. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(11), 33-40.
30. Qo‘ysinova, Fazilat (2020) “STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990),” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 4, Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss4/8>
31. Kuysinova, Fazilat Oripovna. “THE ROLE AND POLITICAL IMIDGE OF THE ORGANIZATION OF THE ISLAMIC CONFERENCE IN THE INTERNATIONAL RELATIONSHIP SYSTEM.” Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research 2 (2019): 61-68.
32. Oripovna, K. F. Arabian Consolidation and Organization of Islamic Conference in The 70-S of The xx Century.
33. Gafurova, Irodaxon (2020) “ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN,» The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/7>
34. BEKMIRZAEV, Ilhomjon and Gafurova, Irodaxon () “THE IMPACT OF ISLAM ON SOCIOPOLITICAL AND SPIRITUAL LIFE IN CENTRAL ASIA,» The Light of Islam: Vol. 2021: Iss. 1, Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2021/iss1/1>